

Пудрат шартномаси
(Жорий таъмирлаш)

0808-2022-154 -сон

2022 йил "25" 05

Кейинги ўринларда "Буюртмачи" деб юритиладиган Сурхондарё минтакавий йўлларга буюртмачи хизмати давлат унитар корхонаси номидан Низом асосида иш кўрувчи директор **А.Бокиев** бир томондан ва кейинги ўринларда "Пудратчи" деб юритиладиган "SURXON MEGA TRANS" MCHJ номидан Низом асосида иш кўрувчи: **Х.Тожиёв** иккинчи томондан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 18 мартдаги ПҚ-172-сонли "Обод кишлоқ" ва "Обод маҳалла" дастурларини амалга ошириш бўйича қўшимча чора тadbирлар тўғрисида"ги қарорига асосан Сурхондарё вилояти туман (шаҳар) ҳокимликлари тасарруфида бўлган ички хўжалик йўлларида Республика бюджет маблағлари ҳисобидан таъмирлаш ишлари бўйича 2022 йил учун дастлабки 05.04.2022 йилги №12 Манзилли дастурига асосан ҳамда, 23.05.2022 йилдаги № 85479 сонли лот Протокол қарори 2022 йилда РЕСПУБЛИКА БЮДЖЕТ МАБЛАҒЛАРИ ҳисобидан таъмирланиши белгиланган Сурхондарё вилояти Термиз тумани Келажак МФЙ Келажак кучасини 15-кучадан 19-кучагача таъмирлаш (Шагал коплама)га доир мазкур пудрат шартномасини туздилар.

I. Таърифлар

1. Мазкур шартномада тарифлар кулланилади:

"**янро ҳужжатлари**": - натурда бажарилган ишлар ёки ишларни бажариш учун маъсул бўлган шахслар томонидан уларга киритилган ўзгаришларнинг ишбу ишчи чизмалар туркуми, сертификатлар, техник паспортлар ва ўрнатилган асбоб-ускуналарнинг сифатини ва ишларини бажаришда қўлланилган материаллар, конструкция ва деталларнинг сифатини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар, беркитиладиган ишлар тасдиқланганлиги тўғрисида далолатномалар, айрим маъсулиятли конструкциялар оралик даврда қабул қилиниши тўғрисида далолатномалар, монтаж қилинган асбоб-ускуналарнинг яқка тартибдаги синови тўғрисида далолатномалар, ишларни бажариш дафтарлари ҳамда қурилиш нормалари ва қондаларида назарда тутилган бошқа ҳужжатлар:

"**қурилиш майдони**": Мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома бўйича Буюртмачи томонидан Пудратчига берилган ер участкаси. Объектнинг қурилиш майдони чегарасини ажратиб қўйилади ёки бош режага мувофиқ белгиланган бошқа белгилар билан белгилаб қўйилади.

"**вақтинчалик ишлар**": Пудратчи томонидан қурилиш майдонида ўрнатиладиган ва ишлар бажариш учун зарур зарур бўлган ҳар типдаги вақтинчалик бинолар ва иншоотлар.

"**беркитилган ишлар**": - сифати ва яқунлигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниқлаш мумкин бўлмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар:

шартномани нархини бўлиб чиқиш: ишларнинг ҳар бир босқичи ёки турлари қийматининг аниқ белгиланган ҳолда шартнома бўйича объектни умумий қийматини босқичларга тақсимлаш.

II. Шартнома мавзуси

2. Пудратчи мазкур шартнома шартларига лойиха-смета ва экспертиза ҳулосасига келишилган муддатларга асосан Термиз тумани Келажак МФЙ Келажак кучасини 15-кучадан 19-кучагача таъмирлаш (Шагал коплама) ишларини бажариш мажбуриятини олади, Буюртмачи эса Пудратчига қурилиш ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни қабул қилиш ва тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

III. Шартнома бўйича ишлар қиймати

3. Мазкур шартнома бўйича пудратчи томонидан бажарилган танлов натижасида аниқланган ва танлов комиссиясининг қарори (23.05.2022 йилдаги № 85479 сонли лот Протокол қарори) билан тасдиқланган баенномага асосан барча солиқлар, йиғимлар, ККС ва ажратмаларини ўз ичига олган ҳолда жорий нархларда 402 235 000 (турт юз икки миллион икки юз уттиз беш минг) сўмни ташкил этади.

4. Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқилиши мумкин эмас, қуйидаги ҳоллар бундан мустасно:

- қурилиш қиймати ва кўпайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолати сабаб бўлганда;

- ишлар ҳажми буюртмачи томонидан ўзгартирилганда;

- объектнинг қурилиши бир йилдан ортиққа ўзгартирилганда.

5. Қурилиш муддати бир йилдан ортиқ бўлганда иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нархларни аниқлаштириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

6. Тегишли асослар мавжуд бўлганда ўзгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги шартномага қўшимча битим билан расмийлаштирилади.

IV. Пудратчининг мажбуриятлари

7. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи мазкур шартноманинг 2-бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

- барча ишларни мазкур шартномада ҳамда унга "Ia" иловага мувофиқ ишларни бажариш жадвалида назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда иншоот нархидаги ишларни энг камида 50%ни ўзининг кучлари билан бажариш ҳамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофиқ топшириш;

- "I" иловага мувофиқ қурилиш майдонига зарур қурилиш материаллар, буюмлар, конструкциялар ва бутловчи буюмлар, қурилиш техникаларини етказиб бериш, уларни қабул қилиш тушириш оморга жойлаш ва сақлаш;

- қурилиш майдони ҳудудида вақтинчалик иншоотлар қуриш;

- буюртмачини Пудрат шартномалари тузилиши давомида субпудратчилар билан шартномалар тузилиши, шартнома мазмуни, субпудратчининг номи ва манзили тўғрисида хабардор қилиш;

- объектда тасдиқланган лойихага мувофиқ қурилиш-монтаж ишларини амалга ошириш;

- қурилиш таваккалчилигини сугурта қилиш.

Мазкур шартнома бўйича объектни фойдаланишга қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатномага имзо чекилгандан бошлаб бир ой муддатда қурилиш майдонини ўзига тегишли қурилиш машиналари, асбоб-ускуналари, транспорт воситалари,

анжомлар, приборлар, инвентарлар, қурилиш материаллари, буюмлари, конструкциялар ҳамда вақтинчалик бинолардан бўшатиш:

қурилиш майдонини қурикланишини таъминлаш;

қурилиш жараёнида жалб қилинган ишчи ходимларни белгиланган тартибда расмийлаштириб, ижтимоий химояси ва техник ҳафсизлигини таъминлаш.

Мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажаришни ўз зиммасига олади.

8. Пудратчи мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг ўз кучлари билан ва субпудратчилар томонидан (қурилиш ишларининг 50 %дан кўп бўлмаган) зарур тарзда бажарилиши ҳамда объектнинг фойдаланишга топширилиши учун Буюртмачи олдида тўлиқ мулккий жавоб беради.

V. Буюртмачининг мажбуриятлари

9. Мазкур шартномани бажариш учун буюртмачи:

- мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда мазкур шартномага иловага мувофиқ ишларни бажариш учун яроқли бўлган қурилиш майдонини объект қурилиши ва қурилиш тугаллангунча бўлган даврда далолатнома бўйича Пудратчига бериш;

- ишлар бажарилиши устидан доимий йўл қурилиш сифати техник назоратини ва мазкур шартномада қайд этилган Пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, Пудратчидан тугалланган ишларни амалдаги қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ қабул қилиб олишни таъминлаш;

- молиялаштириш жадвалига биноан пудратчига "16" иловага мувофиқ аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш;

- мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб, бир ой давомида пудратчига пудрат ишларини қабул қилиш учун зарур бўлган ижро ҳужжатлари рўйхатини тақдим этиш;

- мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини олади.

VI. Ишларни бажариш муддати

10. Шартнома миллий валюта (сўмда) ўзаро ҳисоб-китоб қилинганда томонлар учун имзоланган пайтдан бошлаб: кейинчалик ЭАВ га конвертация қилган ҳолда миллий валютада (сўмда) ўзаро ҳисоб-китоб қилинганда шартнома қонун ҳужжатларга мувофиқ рўйхатдан ўтказилгандан кейин кучга қиради:

11. Пудратчи мазкур шартномага илова қилинадиган молиялаштириш жадвалига мувофиқ, биринчи аванс тўлови тушган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади ва аниқланган муддатда ишларни тўлиқ якунлайди..

12. Қурилишнинг давом этиш вақти ишлар бошланган кундан эътиборан **60 кунни ташкил этади.** (бажариш графигига асосан)

13. Мазкур шартнома бўйича ишларнинг муддати ҳамда бажариладиган ишлар, ишларни бажариш жадвалига (1а-илова) мувофиқ амалга оширилади.

VII. Тўловлар ва ҳисоб-китоблар

14. Буюртмачи Пудратчига шартнома бўйича ишлар умумий қийматининг 30 % миқдоридан, аванс ўтказилади.

15. Буюртмачи томонидан Пудратчига аванс бериш ва жорий молиялаштириш учун молиялаштириш ва ишларни бажариш жадваллари асос ҳисобланади (16-илова)

16. Буюртмачи ва Пудратчи ҳар ойда бажарилган ишларини "Маълумотнома-ҳисоб-фактура"га асосан молиялаштирилади. Жорий молиялаштириш бажарилган ишлар сифати текширилгандан кейин, берилган авансни ҳисобга олган ҳолда, ишларни бажариш ва молиялаштириш жадвалларига мувофиқ объектнинг умумий шартномавий жорий қийматнинг 70 % гача доирасида амалга оширилади.

17. Объектнинг шартномавий жорий қийматнинг қолган қисми Буюртмачи ва Пудратчи ўртасидаги узил-кесил ҳисоб-китоб қурилиш тугаллангандан кейин ва объект қабул комиссияси томонидан белгиланган тартибда қабул қилингандан кейин ёки мазкур шартномада белгиланган кафолат муддати (бир йил) тамом бўлгандан кейин ишлар қийматининг 5% гача миқдоридан, амалга оширилади:

18. Пудратчи объект фойдаланишга топширилгунга қадар мазкур шартнома бўйича мулк ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади. Объектнинг Буюртмачига топширилгунга қадар, объектнинг тасодифий йўқ қилиниши ва шикастланиши ҳавфи Пудратчининг зиммасида бўлади.

19. Буюртмачи мазкур шартнома бўйича ўз зиммасига қабул қилган мажбуриятларни шартнома кучга кирган кундан бошлаб 30 кун мобайнида бажармаган тақдирда, Пудратчи бу ҳақда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Буюртмачини Ёзма равишда хабардор қилган ҳолда, шартномага ўзгартиришлар киритиш ёки шартномани бир томонлама тартибда бекор қилиш ҳуқуқига эгадир. Бундан Буюртмачи пудратчи томонидан бажарилган ишлар учун ҳақ тўлашдан озод қилинмайди.

VIII. Ишларни бажариш

20. Буюртмачи қурилиш майдонида ўз вақилини – Техник кузатувчини тайинлайди, у Буюртмачининг номидан бажарилаётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек Пудратчи томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб ускуналар шартнома шартларига ва иш ҳужжатларига мувофиқлигини текширади. Аниқланган камчиликларни ўз вақтида бартараф этиш бўйича барча чораларини қўради, мунтазам равишда олиб борилаётган ишлар юзасидан Буюртмачи маъсул ходимларини ёзма равишда хабардор қилиб боради.

21. Техник кузатувчи ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун давр мобайнида ишларнинг барча турлари билан тўсиксиз танишиш ҳуқуқига эгадир.

22. Пудратчи Техник кузатувчи ишлаш учун жой билан таъминлайди. Техник аудитор Пудратчи томонидан ўтказиладиган қурилиш майдонида ишларни амалга ошириш чоғида пайдо бўлувчи масалаларни ҳал қилиш бўйича йиғилишларда мунтазам равишда қатнашади.

23. Пудратчи ишларни бажариш лойиҳасига ва мазкур шартноманинг VI-бўлимда кўрсатилган муддатлар билан мувофиқлаштирилган ўз режаси ва жадвалига биноан объектда ишларни бажаришни мустақил равишда ташкил этади.

24. Пудратчи объектда ишларни олиб бориш тартибини қурилишда Давлат назорат инспекцияси билан келишади ва унга риоя этилиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

25. Қурилиш майдонида умумий тартибни таъминлаш Пудратчининг вазифаси ҳисобланади.

26. Буюртмачи қурилиш майдонини бериш тўғрисидаги далолатнома билан бир вақтда Пудратчига ортқча тупрок ва қурилиш ахлатини жойлаштириш ва етишмаётган тупрокни казиб олиш учун жой ажратиш тўғрисидаги ҳужжатларни беради.

27. Буюртмачи қурилиш майдонини бериш тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб 3 кун муддатда қурилиш майдонини белгилаш бўйича ишларни бажариш ва объектни боғлаш (привязка) қилиш учун Пудратчига геодезия нукталари, уларнинг координатлари ва баландлик белгиларини тақдим этади.

28. Пудратчи геодезия нукталарига, линиялар ва даражаларга нисбатан объектнинг тўғри ва зарур тарзда белгиланиши, шунингдек баландлик белгилари ўлчамлари бўлиши ва уларнинг мувофиқлиги тўғри жойлашганлиги учун жавоб беради.

Агар ишларни бажариш жараёнида амалга оширилган ва геодезия ишларида хатолар аниқланса Пудратчи Буюртмачи билан келишган ҳолда тегишли тузатишларни ўз ҳисобидан киритади.

29. Пудратчи геодезия бўлиш ишларида ўрнатиладиган координатлар ва баландликлар, геодезия белгиларнинг жойлаши схемаларини ва жадвалларни саклайди, ишларни бажариш даврида ва улар тугаллангандан кейин уларни далолатномани бўйича Буюртмачига беради.

30. Қурилиш майдонида ишларни бажариш даврида коммуникацияларни вақтинча улашни ва улаш нукталарида янгидан қурилган коммуникацияларни улашни Пудратчи амалга оширади.

31. Пудратчи ўзи томонидан қурилишда қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналари ва бутловчи буюмлар, конструкциялар ва коммуникация тизимлари сифати лойиҳа ҳужжатларида кўрсатилган спецификацияларга давлат стандартларига, техник шартларга мувофиқ бўлишини ҳамда уларнинг сифатини тасдиқловчи тегишли сертификатларга, техник паспортларга ёки бошқа ҳужжатларга эга бўлишини кафолатлайди.

32. Алоҳида беркитилган конструкциялар ва беркитилган ишлар тайёр бўлишига қараб уларни қабул қилишни бошлашдан 2 кун олдин Пудратчи Буюртмачини ва қурилишда Давлат назорати инспекциясини ёзма равишда хабардор қилади.

33. Қабул қилинадиган конструкциялар ва ишларнинг тайёрлиги Буюртмачи ва Пудратчи томонидан маъсул конструкцияларни оралик қабул қилиш далолатномалари ҳамда уларнинг қурилишда Давлат назорати инспекцияси билан келишган шартларида беркитиладиган ишлар текшируви далолатномалари билан тасдиқланади.

34. Пудратчи Буюртмачининг ишларни бажариш дафтарида киритилган ёзма рухсатномасидан кейингина кейинги ишларни бажаришга киришади.

35. Агар беркитиладиган ишлар Буюртмачининг тасдиғисиз бажарилган бўлса ёки у бу ҳақда хабардор қилинмаган бўлса, ёки кечикиб хабардор қилинган бўлса, у ҳолда унинг талаби бўйича Пудратчи Буюртмачининг кўрсатмасига мувофиқ беркитиладиган ишларнинг исталган қисмини ўз ҳисобидан очишга, сўнгра эса уни тиклашга мажбурдир.

Пудратчи Буюртмачининг манфаатларга жиддий таъсир қилмайдиган иш ҳужжатларидан майда четга чиқишларни Буюртмачининг розилиғисиз амалга оширса, у агар буларнинг қурилиш сифатига таъсир этмаганлигини исоблатласа жавобгар ҳисобланмайди.

36. Агар Буюртмачи Пудратчи ва (ёки) унинг субпудратчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аниқласа у ҳолда Пудратчи ўз кучлари билан ва қурилиш қийматини қўпайтирмасдан ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун келтирилган муддатда қайта бажаришга мажбурдир, ушбу шартнома 35 бандининг иккинчи хат бошида кўрсатилган ҳоллар бундан мустасно.

Агар Пудратчи сифатсиз бажарилган ишларни келишилган муддатда тузата олмаса, Пудратчи уларни тузатишнинг кечикиши оқибатида етказилган зарарларни Буюртмачига тўлайди.

37. Пудратчи қурилиш майдонини ва унга туташ кўча полосасини, шу жумладан йўл участкалари ва йўлакларини супуриб-сидиради ва озода саклайди, қурилиш даврида майдонда қурилиш ахлатини Буюртмачи томонидан кўрсатилган жойга чиқариб ташлайди.

38. Ишлар бошланган пайтдан бошлаб улар тугаллангунча Пудратчи ишларни бажариш дафтарида юрилади. Дафтарда бутун ишларни бориши, Буюртмачи ва Пудратчининг ўзаро муносабатларида аҳамиятга эга бўлган ҳолатлар (ишларнинг бошланиши ва тамом бўлиши санаси, материаллар, асбоб-ускуналар берилиши, хизматлар кўрсатилиши санаси, ишларнинг қабул қилиб олинishi ўтказилган синовлар, материаллар ўз вақтида етказиб берилмаслиги билан боғлиқ тўхтаб қолишлар, қурилиш техникасининг ишдан чиқиши тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек қурилишни тугаллашни узил-кесил муддатига таъсир қилиши мумкин бўлган барча маълумотлар) ақс эттирилади.

Агар Буюртмачи ишларнинг бориши ва сифатидан ёки Пудратчининг қайдларидан қониқмаса, у ҳолда ишларни бажариш дафтарида ўз фикрини баён қилади.

Пудратчи дафтарда Буюртмачи томонидан асосли равишда кўрсатилган камчиликларни 3 кун муддатда бартараф этиш чора-тадбирларини ўз зиммасига олади.

IX. Ишларнинг қўриқлаш

39. Пудратчи ишлар бошланишидан қурилиш тугаллагунча ва қурилиш тугалланган объект Буюртмачи томонидан қабул қилиб олингунча қадар четлари тўсилган қурилиш майдони ҳудудидаги материаллар, асбоб-ускуналар қурилиш техникаси ва бошқа мол-мулк зарур даражада қўриқланишини таъминлайди.

40. Тикланган бино ва ишоотлар шунингдек материаллар, асбоб-ускуналар ва бошқа мол-мулклар объект қабул қилиб олингандан кейин сакланиши учун Буюртмачи жавоб беради.

X. Енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари

41. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа энгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати энгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзга келтирган вақтда мутаносиб равишда узайтирилади.

42. Агар энгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойда кўп вақтда қўзилса, у ҳолда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар қўрилишини муҳокама қиладилар.

43. Агар томонлар икки ой ичида келиша олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

XI. Қурилиш тугалланган объектни қабул қилиб олиш

44. Қурилиш тугалланган объектни қабул қилиб олиш шартномани имзолаш санасида амалда бўлган белгиланган тартибга мувофиқ мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятлар томонлар тарафидан бажарилгандан кейин, шунингдек қурилиш тугалланган объектни фойдаланишга қабул қилиб олишнинг белгиланган қоидаларига биноан амалга оширилади.

45. Объектни фойдаланишга тайёрлиги тўғрисида Пудратчи ёзма билдиришномасини Буюртмачи томонидан олинган кундан бошлаб 30 кун мобайнида қабул қилиб олинади.

46. Пудратчи курилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш бошланишидан беш кун олдин мазкур шартноманинг V бўлимига мувофиқ Буюртмачига Буюртмачи томонидан белгиланган таркибдаги икки нусха ижро ҳужжатларини беради. Пудратчи Буюртмачига ушбу ҳужжатлар тўпламини амалда бажарилган ишларга тўлиқ мос келишини ёзма равишда тасдиқлаши керак.

47. Қабул қилиб олинган пайдан бошлаб объект Буюртмачининг мулкига айланади.

XII. Кафолатлар

48. Пудратчи:

- барча ишлар тўлиқ ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажаришни;
- лойиҳа ҳужжатлари ҳамда курилиш меъёрлари, қодалари ва техник шартларга мувофиқ бажарилган барча ишлар сифатини:

- ўзи томонидан курилиш учун қўлланиладиган курилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва коммуникация тизимлари сифатини, уларнинг лойиҳа ҳужжатларида кўрсатилган сертификатларга, давлат стандартларига ҳамда техник шартларига мувофиқлигини;

- ишларни қабул қилиш ва объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланган камчиликлар ва нуқсонларни ўз вақтида бартараф қилинишини;

объектдан фойдаланганда муҳандислик тизимлари ва ускуналарининг фойдаланиш қодаларига мувофиқлигини кафолатлайди.

49. Объект ва унга киралган муҳандислик тизимлари, асбоб-ускуналар, материаллардан фойдаланиш ва ишларнинг кафолат муддати томонлар курилиши тугалланган объектнинг қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатномани имзолаган кундан бошлаб камида 1 ой этиб белгиланади. Объект томининг кафолат муддати камида 12 ой этиб белгиланади.

50. Агар объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланиб, уни бартараф этилгунга қадар фойдаланишни давом эттириши имконини бермайдиган нуқсонлар аниқланса, у ҳолда кафолат муддати нуқсонларни бартараф этиш даврига узайтирилади. Нуқсонлар Пудратчи томонидан унинг ўз ҳисобидан бартараф этилади.

Мавжуд нуқсонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг икки томонлама далолатномаларида қайд этилади.

Агар Пудратчи бажарилган ишларидаги нуқсонлар ва чала ишларни, жумладан ускуналарнинг камчиликларини далолатномада кўрсатилган муддат ичида бартараф этмаса, у ҳолда Буюртмачи мазкур шартноманинг VII бўлимида назарда тутилган кафолат суммасини Пудратчидан ушлаб қолиш ҳуқуқига эга.

51. Пудратчи нуқсонлар ва чала ишлар кўрсатилган далолатномани тузишдан ёки имзолашдан бош торган тақдирда, уларни текшириб чиқиш курилишда Давлат назорати инспекцияси томонидан амалга оширилади, бу томонларнинг ушбу масала бўйича ҳужалик судига мурожаат қилишини истисно этмайди.

XIII. Шартномани бекор қилиш

52. Буюртмачи:

- шартнома кучга киргандан кейин курилишнинг бошланиши Буюртмачига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Пудратчи томонидан бир ойдан кўп вақтга кечиктирилганда;

- ишларни тугаллашнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга кечиктирилган ҳолда,

- пудратчи томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмаганда;

- пудратчи томонидан шартнома шартлари курилиш меъёрлари ва қодалари назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;

- конун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

53. Пудратчи:

- ишларнинг бажарилиши Пудратчига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Буюртмачи томонидан бир ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб қўйилганда;

- буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда;

- конун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

54. Шартнома бекор қилинганда Буюртмачи ва Пудратчининг қўшма қарорига кўра тугалланмаган курилиш объекти бир ой муддатда Буюртмачига топширилади, Буюртмачи бажарилган ишлар қийматини Пудратчига тўлайди.

55. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон мазкур бўлим қондасига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

56. Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

57. Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайди, конун ҳужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

XV. Томонларнинг мулкий жавобгарлиги

58. Томонлардан бири шартнома мажбуриятини бажармаса ёки зарур даражада бажарилмаган тақдирда айбдор томон:

- иккинчи томонга етказилган зарарни тўлайди;

- Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексида, "Ҳужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунда, бошқа конун ҳужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошқача жавобгарликка тортилади.

59. Мазкур шартномага тегишли иловаларда кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, ўз вақтида молиялаштирмаганлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачи Пудратчига кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбуриятининг бажарилмаган қисмининг 0,1 % миқдорда пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 30% фоизидан ошмаслиги лозим.

Пеня тўлашни Буюртмачини шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган зарарни қоплашдан озод этмайди.

60. Пудратчи объектни ўз вақтида ишга тушириш бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,5% фоизи миқдорда пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси объект шартномавий жорий қийматининг 50% фоизидан ошмаслиги лозим.

Буюртмачи томонидан топилган нуқсонлар ва камчиликлар ўз вақтида бартараф этилмагани учун Пудратчи Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 0,5% фоиз миқдорда пеня тўлайди. Бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 50% фоизидан ошмаслиги керак.

Пудратчи бажариш графигида 2021 йил учун белгиланган иш ҳажми кийматининг бажармаган қисмидан Буюртмачига 1 фоиз миқдорда жарима тўлайди.

Пеня тўлаш Пудратчини ишларини бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган зарарларни қоплашдан озод этмайди.

61. Агар бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, қурилиш меъёрлари ва қондаларига, ишчи ҳужжатларига мувофиқ бўлмаса у ҳолда Буюртмачи қурилишда Давлат назорати инспекциясининг ҳулосаси асосида объектни қабул қилиш ва унинг учун ҳақ тўлашдан бош торттиш, шунингдек Пудратчидан сифати зарур даражада бўлмаган ишлар кийматининг 20% фоизи миқдорда ундириш ҳуқуқига эга.

62. Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур моддада назарда тутилган жазолардан ташқари шартномани бузган томон тарафидан қилинган харажатларда, мол-мулкнинг йўқотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдала инфодаланадиган пеня билан қопланмаган зарарларни қоплайди.

63. Муддат ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод этмайди.

XV. Низоларни ҳал этиш тартиби

64. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шунингдек етказилган зарарларни қоплашда пайдо буладиган низоли масалаларни томонлар ҳал этолмаса улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда иқтисодий суд томонидан кўриб чиқилади.

XVI. Алоҳида шартлар

65. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.

66. Пудратчи қурилиш объектига ёки унинг алоҳида қисмларига тегишли иш ҳужжатларини Буюртмачининг ёзма рухсатсиз, субпудратчилардан ташқари, бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш ҳуқуқига эга бўлмайди.

67. Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзоланган бўлса ҳақиқий ҳисобланади.

68. Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олинб келадиган ҳар қандай келишувни томонлар мазкур шартномага қўшимчалар ёки ўзгаришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши керак.

69. Агар Пудратчи шартнома бўйича ишлар якунланганидан кейин қурилиш майдонида ўзига тегишли мол-мулкни қолдирса, у ҳолда Буюртмачи Пудратчи қурилиш майдонини озод қилиш санасигача бажарган ишлари учун ҳақ тўлашни кечиктиришга ҳақлидир.

70. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги қонун ҳужжатлари нормалари қўлланилади.

71. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 2 нусxada тузилди.

72. Мазкур шартнома 31.12.2022 йилгача амал қилади.

Буюртмачи:

Пудратчи:

“Сурхондарё минтақавий йўлларга
буюртмачи хизмати” давлат унгар
корхонаси

"SURXON MEGA TRANS" MCHJ

Термиз шаҳар Олмазор кўчаси 42-уй
Тел: 221-26-35 Факс 221-19-22

Термиз тумани Айритом МФЙ
ИНН: 302663621 ОКЕД 61110

ИНН: 304985647 ОКОНХ: 70220

х/р 2020 8000 6002 4497 8001

Ш/х: 304521860222207045129118012

АТБ Микрокредит банк Термиз тумани филиали
МФО 00350

Газначилик бўлини маси номи: Ўзбекистон
Республикаси Молия Вазирлиги Газначилиги
Газна: х/в 23402000300100001010

ХККМ Тошкент ш. МФО: 00014

Газначилик бўлини ИНН: 201122919

Директор

А.Бокиев



Х.Тожиёв

Ушбу шартнома мазмунини амалдаги Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодекси, “Ҳужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тугрисида”ги қонуни ва бошқа қонун ҳужжатлари талабларига мос ҳолда тузилган.

25» 05 2022 йил

Ф.Тураев

Сурхондарё вилояти Термиз тумани Келажак МФЙ Келажак кучасини 15-кучадан 19-кучагача таъмирлаш (Шагал коплама)
 объектининг _____ сонли шартномасига - илова

Сурхондарё вилояти Термиз тумани Келажак МФЙ Келажак кучасини 15-кучадан 19-кучагача таъмирлаш (Шагал коплама) объектининг _____ сонли шартномасига - илова

БАЖАРИШ ГРАФИГИ

№	Амалга оширилган ишлар	Йиллар	2022 йил												Объектининг умумий қиймати
			1-квартал			2-квартал			3-квартал			4-квартал			
			январь	февраль	март	апрель	май	июнь	июль	август	сентябрь	октябрь	ноябрь	декабрь	
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	
1	Қурилиш-монтаж ишлари	2022					402 235 000.00								402 235 000.00
	Жами		-	-	0.0	0	402 235 000.00	0	0	0		-	-	-	402 235 000.00

Буюртмачи



Сурхондарё вилояти Термиз тумани Келажак МФЙ Келажак кучасини 15-кучадан 19-кучагача таъмирлаш (Шагал коплама) объектининг _____ сонли шартномасига - илова

Сурхондарё вилояти Термиз тумани Келажак МФЙ Келажак кучасини 15-кучадан 19-кучагача таъмирлаш (Шагал коплама) объектининг _____ сонли шартномасига - илова

МОЛИЯЛАШТИРИШ ГРАФИГИ

Молиялаштириш шартлари	Йиллар	Шу жумладан ойлар												Жами
		январь	февраль	март	апрель	май	июнь	июль	август	сентябрь	октябрь	ноябрь	декабрь	
1	2	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16
Йиллик иш ҳажмининг ажратилган аванс маблағи	2022 йил					120 670 500,0								120 670 500
Ажратилган аванс маблағининг ойлар бўйича тақсимланган қисми	2022 йил					120 670 500,0								120 670 500
Ажратилган аванс маблағини инобатга олиб, бажарилган ишларни молиялаштиришга ажратилган маблағ	2022 йил					281 564 500,0								281 564 500
Жами	2022 йил		0	0	0	402 235 000,0	0,0	0,0	0,0	0	0	0	0	402 235 000
Жами молиялаштириладиган маблағ														



**Протокол закупочной комиссии по конкурсу лот № 85479 на приобретение Термиз тумани
Келажак МФЙ Келажак кучасини 15-кучадан 19-кучагача таъмирлаш (Шагал коплама)**

Способ проведения электронный

Дата 23.05.2022

Время рассмотрения 22.05.2022 16:44

Конкурсная комиссия Surxondaryo mintaqaviy yo'llarga buyurtmachi xizmati DUK (Termiz t) Fond-2020, (Далее – Комиссия) в составе:

Председатель комиссии	YULDOSHEV SIROJIDDIN XOLMUXAMMADOVICH	Бош мухандис	Сурхондарё МЙБХ
Секретарь комиссии	RAXIMOV SOBIR XUDOYBERDIYEVICH	Булим бошлиги	Сурхондарё МЙБХ
Член комиссии	TURAYEV OLIMJON JURAYEVICH	Бош мутахассис	Сурхондарё МЙБХ
Член комиссии	MAXMUDOV ISLOM BERDIYOR O'G'LI	Бош мутахассис	Сурхондарё МЙБХ
Член комиссии	UMAROV SANJAR INOTOVICH	Лойиха бўлим бошлиғи	Курулиш
Член комиссии	ALIMARDANOV AZAMAT DILMUROD O'G'LI	Булим бошлиқ	Сурхондарё МЙБХ

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 23.05.2022 года № лота 85479.

Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.технико-квалификационной части: 80.00 / Весовой коэф. ценовой части: 20.00)

Мин. балл: 60

Предмет закупки:

Наименование товара (работы, услуги)	Услуга по текущему ремонту автомобильных дорог
Подробное описание	Термиз тумани Келажак МФЙ Келажак кучасини 15-кучадан 19-кучагача таъмирлаш (Шагал коплама)
Количество товара	1.00
Единица измерения	
Цена товара (услуги) за единицу	408 235 000.00
Стартовая сумма	408 235 000.00
Валюта	UZS

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Танлов иштирокчисининг молиявий аҳволи

Тип: Бинарное значение

Описание: "Иштирокчининг банкидан картатека йуклиги хакида маълумот, Солик органларида солиқдан карзи йуклиги тугрисида тасдиқланган маълумот, Асосий воситаларнинг қолдиқ қиймати 100 млн. сўм ва ундан кўп Муддати ўтган кредиторлик қарздорлиги мавжуд эмаслиги ўтган йилда 20 млн.сўм фойдаси (солиқ тўлангунга қадар) мавжудлиги Иш ҳақи фонди 20 млн. сўм Тўловга қодирлик ёки қоплаш коэффиценти 1,25 ва ундан кўп Тўловга қодирлик ёки қоплаш коэффиценти Объектнинг буюртмачи белгиланган бошланғич нархининг 20 %гача

миқдоридаги айланма маблағлар мавжудлиги (хизмат қилувчи банк томонидан тасдиқланган айланма мабла

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
TERMIZ TUMAN YO'LLARDAN FOYDALANISH UNITAR KORXONA	20	1	18	Экспертная		
ООО SURXON MEGA TRANS	20	1	20	Экспертная		

Критерий №2 Машина ва механизмлар рўйхати

Тип: Бинарное значение

Описание: Лойиҳани бажариш учун зарур бўлган 5 та дан кам бўлмаган? Кўпи билан 20 йил олдин ишлаб чиқарилган шахсий (ёки лизинг шартномаси асосида) қурилиш машина ва механизмларини мавжудлиги (ижара шартнома асосидаги қурилиш техникаларининг баллари 30% камайтиради). Лойиҳани бажариш учун зарур бўлган 10 бирликдан кам бўлмаган кичик механизация воситаларини мавжудлиги

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
TERMIZ TUMAN YO'LLARDAN FOYDALANISH UNITAR KORXONA	20	1	18	Экспертная		
ООО SURXON MEGA TRANS	20	1	20	Экспертная		

Критерий №3 Танлов иштирокчиси ҳақида умумий маълумотлар

Тип: Бинарное значение

Описание: Танловда иштирок этувчи ташкилот ҳақида умумий маълумот гувоҳномаси, СОҶАВИЙ ҚУРИЛИШ-ПУДРАТ ТАШКИЛОТЛАРИ РЕЙТИНГИда автомобил йуллари ва куприкларда рейтинг курсаткичи мавжудлиги. Иш стажи 3 йилдан кам бўлмаган олий маълумотли қурилиш мутахассислигига эга бўлиши мажбурий раҳбарлардан 1 киши мавжудлиги. 5 йил иш стажига эга 2 кишидан кам бўлмаган дипломга эга инженер-техник ходимларни мавжудлиги. (участка бошликлари ва мастерлар). Ишлаб-чиқариш техника бўлимида 5 йил иш стажига эга дипломли 1 та мутахассисни мавжудлиги. Доимий равишда ишловчи 10 тадан кам бўлмаган малакавий ишчилар мавжудлиги. Ходим

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
TERMIZ TUMAN YO'LLARDAN FOYDALANISH UNITAR KORXONA	20	1	18	Экспертная		
ООО SURXON MEGA TRANS	20	1	20	Экспертная		

Критерий №4 Танловдаги объектга ўхшаш объектларда охирги 3 йиллик иш тажрибаси

Тип: Бинарное значение

Описание: "Охирги 3 йил давомида Танловдагига ўхшаш ишларни ўз кучи билан бажариш: йилига N (N- Буюртмачи бошлангич нархнинг 50%) сўм ва ундан кўп. Танлов савдодагига ўхшаш профил бўйича охирги йили ўз кучи билан бажариш."

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
TERMIZ TUMAN YO'LLARDAN FOYDALANISH UNITAR KORXONA	20	1	18	Экспертная		
ООО SURXON MEGA TRANS	20	1	20	Экспертная		

Оценка участников финансовой части составила:

Наименование участника	Стартовая сумма	Предлагаемая сумма	Дата предложения	Оценка стоимости (балл)
TERMIZ TUMAN YO'LLARDAN FOYDALANISH UNITAR KORXONA	408 235 000.00	405 200 100.00	18.05.2022 21:08:31	19.85
ООО SURXON MEGA TRANS	408 235 000.00	402 235 000.00	19.05.2022 17:10:13	20.00

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

Наименование участника	Общий балл по технической части	Общий балл по финансовой части	Итоговый балл
TERMIZ TUMAN YO'LLARDAN FOYDALANISH UNITAR KORXONA	72	19.85	91.85
ООО SURXON MEGA TRANS	80	20	100

Закупочная комиссия по конкурсу лот № 85479 от 23.05.2022 года на приобретение Термиз тумани Келажак МФЙ Келажак кучасини 15-кучадан 19-кучагача таъмирлаш (Шагал коплама) определила победителем:

ООО SURXON MEGA TRANS
302663621

и резервный исполнитель: TERMIZ TUMAN YO'LLARDAN FOYDALANISH UNITAR KORXONA (204598846)

Проголосовали

Комиссия	Ф.И.О.	Голосование	Комментарии
Председатель комиссии	YULDOSHEV SIROJIDDIN XOLMUXAMMADOVICH	Согласен	
Член комиссии	UMAROV SANJAR INOTOVICH	Согласен	
Член комиссии	MAXMUDOV ISLOM BERDIYOR O'G'LI	Согласен	
Член комиссии	ALIMARDANOV AZAMAT DILMUROD O'G'LI	Согласен	

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI QURILISH VAZIRLIGI
«SHAHARSOZLIK HUJJATLARI EKSPERTIZASI»
DAVLAT UNITAR KORXONASI

Сурхондарё вилояти

190100, Termiz shahri , Taraqqiyot ko'chasi, 42-uy, Termiz shahri, AT "Tyron" bank Tel-Fax:
(376)-22-3-24-87, 22-3-06-42, 22-3-24-75 Mail: surxonekspertiza@mail.ru www.mc.uz

Holati: Ijobiy

Direktor: Doniyorov Anvar Abdullayevich

Sana:14-04-2022 yil



Yig'ma ekspert xulosasi № 36710

Obyekt nomi «Surxondaryo viloyati Termiz tumani "Kelajak" MFY xududidagi ichki yo'llarni "Obod qishloq va Obod maxalla" dasturi asosida 2022 yilda joriy ta'mirlash ishchi loyixasi bo'yicha»

Buyurtmachi - "Surxondaryo viloyati mintaqaviy yo'llarga buyurtmachi xizmati" DUK

Bosh loyihachi - "TERMIZ AVTOYO'L LOYIHA" MChJ

Litsenziya AL-00242 sonli 21.10.2021 yilda O'zbekiston Respublikasi Qurilish Vazirligi

Moliyalashtirish manbai - Byudjet mablag'lari

Bosh pudratchi - Tanlov savdo natijalariga ko'ra aniqlanadi

Qurilish turi Joriy ta'mirlash

Murojaat raqami: № 36516

1. Loyihalash uchun asos

1.1. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2022 yil 18-martdagi PQ-172-sonli "Obod-kishlok" va "Obod-maxalla" dasturlarini amalga oshirish chora-tadbirlari tug'risidagi qarori.

1.2. Termiz tuman hokimi o'rinbosari tomonidan kelishilgan va buyurtmachi tomonidan tasdiqlangan nuqsonlar qaydnomasi.

1.3. Buyurtmachining tomonidan 2022 yilda tasdiqlangan loyihalash uchun topshiriq.

1.4. Surxondaryo viloyati avtomobi yo'llari xududiy bosh boshqarmasi va Surxondaryo mintaqaviy yo'llarga buyurtmachi xizmati DUK tomonidan 2022 yilda tasdiqlangan qurilish ishchilarining ish haqi, mashina va mexanizmlarning ekspluatatsiyasi, tovarlarni tashish, qurilish materiallari, pudratchining boshqa xarajatlari narxlari kelishuv bayonnomasi.

2. Ekspertiza uchun taqdim etilgan materiallar

ShNK 1.03.01-16 talablariga mos ravishda ishlab chiqilgan ishchi loyiha.

3. Loyiha yechimlarining qisqacha mazmuni

Ushbu loyiha, Surxondaryo viloyati Termiz tumani "Kelajak" MFY xududidagi ichki yullarni "Obod qishloq va Obod maxalla" dasturi asosida joriy ta'mirlash maqsadida amalga oshirish rejalashtirilgan.

Buyurtmachi tomonidan tasdiqlangan nuqsonlar qaydnomasiga asosan, joriy ta'mirlashda ko'chalar

kesimida quyidagi ishlar bajarilishi ko'zda tutilgan:

- Kelajak ko'chasi 1- ko'chadan 6-ko'chagacha 4626-M (Tuproq yulni tosh yulga aylantirish)
- Kelajak 7-ko'chasi 1120-m (Tuproq yulni a/beton yulga aylantirish)
- Kelajak ko'chasi 8- kuchadan 14-kuchagacha 6885-M (Tuproq yulni Tosh yulga aylantirish)
- Kelajak ko'chasi 15- kuchadan 19-kuchagacha 2540-M (Tuproq yulni Tosh yulga aylantirish)

Yo'l qoplamalari quyidagicha qabul qilingan:

- tuproq yulni tosh yulga aylantirishda qum-shag'al aralashmasidan 20sm qoplama ishlari.
- tuprok yulni asfaltobeton yulga aylantirishda - ariq bilan yo'lning kesishmasida F100mm metall quvur o'rnatish va quyma temir beton novlarni qurish, saralangan QShA dan 25sm qalinlikda asos yotqizish, chaqiq toshdan tekislovchi qatlam va va issiq asfaltobetonidan 5sm qalinlikda qoplama qurish ishlari.

QTL taqvimiy jadvaliga ko'ra qurilish davomiylik muddati 5 oyni tashkil qiladi.

4. Loyihalanayotgan ob'ektning muhandislik ta'minoti:

5. Loyihani kelishilganligi to'g'risida hujjatlar.

6. Ekspertiza natijalari.

5.1. Ekspertiza jarayonida (lokal) ekspert xulosaning izohlariga muvofiq ishchi loyixani quyidagi asosiy tuzatishlar va qo'shimchalar kiritildi:

- resurs ko'rsatkichlarining narxi (mashinalar va mexanizmlarning ishlashi transprot harajatlari, materiallar) buyurtmachi tomonidan tasdiqlangan narx kelishuvi bayonnomasi mavofiq to'g'irlandi.
- Qurilish tashkillashtirish loyixasi va buyurtmachi tomonidan tasdiqlangan loyixalash topshirig'i taqdim etildi.

5.2. Qurilish narxi sarxisobi:

Taqdim etilgan loyixani qurilish ishlari qiymati QQS (qo'shimcha qiymat solig'i) bilan- **3103276,519ming so'mni** tashkil qilgan bo'lib, ekspertiza natijasiga ko'ra, taqdim etilgan qiymati **7275.206ming so'm** miqdorida kamaytirilib-**3096001,313ming so'mga** tasdiqlash uchun tavsiya etildi, shu jmladan:

- QMI.....-2563976,243 ming.so'm,
- QQS.....-384596,436 ming.so'm,
- buyurtmachining boshqa xarajatlari.....-147428,634 ming.so'm.

Ob'ektning umumiy qiymati ichida ko'chalar kesimidagi qiymati:

ming.so'mda

N p.p	Yo'llarning nomi	Smeta bo'yicha jami	Shu jumladan buyurtmachi BX
1	Kelajak ko'chasi 1- ko'chadan 6-ko'chagacha	583 706, 071	29 185, 304
2	Kelajak 7-ko'chasi 1120-m	1 087 886, 152	54 394, 308
3	Kelajak ko'chasi 8- kuchadan 14-kuchagacha	868 745, 428	43 437, 271
4	Kelajak ko'chasi 15- kuchadan 19-kuchagacha	408 235, 028	20 411, 751

Kamayishga ayrim qurilish materiallari narxlarini aniqlashtirish natijasida erishildi.

5.3. Ushbu joriy ta'mir ishchi loyihasi buyurtmachi tomonidan tasdiqlangan nuqsonlar qaydnomasiga asosan tekshirildi va "Shaxarsozlik hujjatlari ekspertizasi" DUK nuqsonlar qaydnomasida keltirilgan ish xajmlarining haqqoniyliigi va asosligiga javobgarlikni o'z zimmasiga olmaydi.

5.4. O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2021 yil 17-sentabrdagi 579-sonli qarorining 7-illovasiga muvofiq.

- yakuniy xarajat buyurtmachi va pudratchi tomonidan qurilish tugaganidan so'ng nazorot o'lchovi natijalari asosida aniqlanadi;
- ekspertizadan o'tkazish uchun taqdim etilgan xujjatlarining to'liqligi, ma'lumotlarning ishonchliligi yuzasidan buyurtmachi va qabul qilingan loyixa yechimlari yuzasidan ishlab chiquvchi javobgar hisoblanadi.

7. Xulosalar.

6.1. Ekspertiza natijalarini xisobga olgan holda "Surxondaryo viloyati Termiz tumani "Kelajak" MFY xududidagi ichki yo'llarni "Obod qishloq va Obod maxalla" dasturi asosida 2022 yilda joriy ta'mirlash" ishchi loyihasi bo'yicha joriy ta'mirlash ishchi loyihasi bo'yicha qiymatini kelgusida ko'rib chiqish va tasdiqlashga tavsiya qilinadi.

6.2. O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2003 yil 6 martdagi 261 sonli qaroriga va ShNK 04.01.06-09 asos tavsiya qilinayotgan qiymati pudrat shartnomasi tuzish uchun asos bo'la olmaydi va erkin tanlov savdosining boshlang'ich qiymatini yakuniy aniqlash huquqi buyurtmachi zimmasiga yuklatiladi

Bosh mutaxassis: Katayev Abdukarim Xidirovich